

# Bulletin of Gulistan State University

---

Volume 2018 | Issue 4

Article 37

---

12-20-2018

## THE ROLE OF DISTANCE LEARNING IN THE ORGANIZATION OF SELF-TRAINING OF FUTURE SPECIALISTS

S.I Kulmamatov

*Gulistan State University*, sindor\_66@umail.uz

T.I Islomkulov

*Gulistan State University*

E.A Muminov

*Gulistan State University*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>

 Part of the Higher Education Administration Commons

---

### Recommended Citation

Kulmamatov, S.I; Islomkulov, T.I; and Muminov, E.A (2018) "THE ROLE OF DISTANCE LEARNING IN THE ORGANIZATION OF SELF-TRAINING OF FUTURE SPECIALISTS," *Bulletin of Gulistan State University*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 37.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2018/iss4/37>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

УДК 372.851: 372.800.2

**БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАР УЧУН МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА**

**МАСОФАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЎРНИ**

С.И.Қулмаматов, Т.И.Исломкулов, Э.А.Мўминов

Гулистон давлат университети

E-mail: sindor\_66@mail.ru

XXI аср таълим тизимини ташкил этишда ўқитишинг замонавий шакллари ва усулларини кўллаш, замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, масофали ўқитиши технологияларини жорий қилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

**Тадқиқот обьекти ва қўлланилган методлар**

Масофали ўқитиши - ахборот-коммуникация технологиялари ва илмий асосланган ўқитиши усулларини қўллаб таълим олиш шаклидир (Абдуқодиров, Пардаев, 2009). Ўқитишининг бу шаклида таълим жараёни таълим олувчиларга мос ўқув предметини эркин танлаш, ўқитувчи билан мулоқат қилиш шароитларини таъминлайдиган анъанавий, замонавий ахборот-телекоммуникация технологияларига асосланадиган, ўқитиши жараёнида ўқувчининг қаердалиги ва вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширилади. Тадқиқотда кузатиш, таққослаш, умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

**Олинганд натижалар ва уларнинг таҳлили**

Масофали ўқитишида ўқув жараёнига тегиши бўлган барча компонентлар (мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакл, ўқитиши воситалари ва ҳоказо) Интернет технологиясининг техник ва дастурий воситалари билан амалга оширилади (Андреев, 2004).

Масофали ўқитиши ташкил қилишда таълим хизматлари самарадорлигини оширишда ахборот маконининг ўрни жуда катта. Таълим муассасаларида фанлардан ахборот маконини яратиш Интернет ва Интранет тармоқларида таълим порталлари ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Таълим порталида масофали ўқитиши ташкил қилишда умумлаштирилган ўқитиши технологиялари ва тизимлари яратиш муҳим аҳамиятга эга. Умумлаштирилган ўқитиши технологиялари ва тизимларига таълим порталида жойлаштирилган ўқув дастурлари, режалар, дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари мазмуни, тест тизимлари мажмуасини келтириш мумкин.

Таълим портали масофали таълим тизимининг ривожланишига, шу билан бирга унинг асосий воситаси ҳисобланиб, масофали таълимнинг ташкилий-услубий ва меъёрий-хуқуқий базасининг ривожланишига, таълим олувчилар ва педагогларни мутлақо янги воситалар билан таъминлашга, педагогик тадқиқотларни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим порталларига масофали ўқитиши амалга ошириладиган таълим муассасалари ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, унинг тузилмалари, молиявий-хўжалик ишларини юритиш, ўқув режа ва дастурлар, ўқув материаллари, тестлар ва бошқалар ҳақида веб сайtlар мажмуаси жойлаштирилади.

Таълим порталининг асосий ўқув-услубий қисми электрон дарсликка асосланган. Электрон дарслик - компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ўқув услугини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонламида самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган электрон ўқув адабиёти ҳисобланади (Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш концепцияси, 2002).

Ўқув жараёни учун яратилган таълим портали ўқув жараёни мобайнида намойиш этиш воситаси, компьютер синфларида ташкил этиладиган мустақил ишлаш машғулотларида репититор, мустақил таълим олишга восита, амалий ва лаборатория ишларини бажариш мобайнида услубий ёрдамчи, ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштиришини назоратчиси, амалий ва лаборатория машғулотлари учун масала ва машқлар билан таъминловчидир.

Таълим портали ўқувчиларга ахборотни ўқиши, маърузаларни эшитиш, амалий ва лаборатория машғулотларига мўлжалланган вазифаларни бажариш, ўз билимларини текшириш ва зарур ҳолларда уларни тўлдириш, ўз-ўзини назорат қилиш каби билим шаклларини тавсия этиши мумкин.

Таълим портали ўз ичига тренажёрлар, амалий ва лаборатория машғулотлари учун вазифалар, тест топшириклари, бир вақтнинг ўзида билим бериш ва уларни ўзлаштириш жараёнини назорат қилувчи дастурий таъминотларни қамраб олади. Бошқача айтганда у ўқув предметларининг асосий

## \* GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI, 2018. № 4 \*

ахборотли қисмини баён этувчи, олинган билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган машқлар, ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш имкониятини берадиган тест технологияларидан ташкил топади (Тоштемиров, 2010).

Таълим порталидаги мустақил таълим машғулотлари учун яратилган электрон ўқув-услубий материаллар автоматлаштирилган дастурий воситалар ёрдамида фаолият олиб боради. Автоматлаштирилган ўқув-услубий материаллар таълим оловчиларга керакли мавзулар бўйича маълумотларни тавсия этади ва билимларни назорат қиласди. Билимларнинг назорати натижасига қараб таълим оловчиларга турли савиядаги топшириқлар тавсия қилинади. Автоматлаштирилган ўқув-услубий таълим воситалари ёрдамида таълим оловчилар ўқитувчининг ёрдамисиз ҳам ўз билимларини ошириб такомиллаштириб бориши мумкин.

Амалий-лаборатория машғулотларини ўтказишда компьютернинг дастурий таъминоти имкониятларидан фойдаланганда иш жараёни қўйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1. Амалий-лаборатория машғулотлари топшириқларини бажариш билан танишиш – бунда машғулот мазмуни, унинг назарий қисми экранга чиқарилади, ўқувчилар танишиб кейинги босқичга ўтади.

2. Амалий-лаборатория машғулотлари топшириқларининг танланиши – бунда машғулотдаги топшириқларни беришдан олдин, уларнинг билим даражасини аниқлаш учун оддий ва мураккаб шаклда тузилган тест топшириқлари берилади, ўқувчиларнинг тест топшириқларига берган жавобларини таҳлил қилиб кейинги босқичга ўтади.

3. Амалий-лаборатория машғулотлари топшириқларининг берилиши – бунда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос топшириқлар бериш таъминланади.

Бу босқичларнинг бажарилиш кетма-кетлиги, компьютер, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг амалий-лаборатория машғулотлари давомида бажарадиган вазифалари жадвалда келтирилган. Бу тартибда ишни ташкил қилиш учун компьютерда ўқув - педагогик дастурлар хизмат қиласди, улар ёрдамида ўқитишиш ва амалий-лаборатория машғулотларини ўтказишда ўқитувчи иши анча енгиллашади. Бунда ўқитувчининг иши фақат назорат қилишдан иборат бўлади.

Амалий-лаборатория машғулотлари ўқув - педагогик дастурлар ёрдамида ўтказилганда юқоридаги босқичлар орқали ўқувчилар ўз ўзлаштириш даражасига мос равишда автоматик тарзда топшириқ олади.

Ўқув жараёнида таълим порталидан фойдаланишининг афзалликлари қўйидагилардан иборат:

- таълим жараёнида берилаётган материалларни чукурроқ ва мукаммалроқ ўзлаштириш;
- таълим олишнинг янги шаклларини жорий қилиш;
- дарс жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши натижасида вақтни тежаш имконияти;
- олинган билимлар киши хотирасида узок муддат сақланиб қолиниши ва уни амалиётда қўллаш мумкинлиги.
- ўқувчиларда маълум малакаларни шакллантириш вақти қисқалиги;
- машғулотларда бажариладиган топшириқлар сонининг ошиши;
- компьютер томонидан фаол бошқаришни талаб қилиниши натижасида ўқувчи таълим субъектига айланиши;
- ўқувчилар кузатиши, мушоҳада қилиши қийин бўлган жараёнларни моделлаштириш ва бевосита намойиш қилиш имкониятининг ҳосил бўлиши ва бошқалар.

Жадвал

### Амалий-лаборатория машғулотлари ўтказишни компьютердан фойдаланиб ташкил қилиш босқичлари

Босқичлар	Босқичлар мазмуни	Компьютернинг вазифалари	Ўқитувчининг вазифалари	Таълим оловчининг вазифалари
I	Амалий-лаборатория машғулотлари топшириқларини бажариш билан танишиш.	Амалий-лаборатория машғулотлари мазмуни, унинг назарий қисмини экранга чиқаради.	Назорат қилиш	Амалий-лаборатория машғулотлари мазмуни билан танишиш.
II	Амалий-лаборатория	Амалий-лаборатория		

	машғулотлари топшириқларининг танланиши.	машғулотлари топшириқларини беришдан олдин улар билимини тест асосида синовдан ўтказиш (10-15 та саводдан иборат).	Назорат қилиш	Тест саволларига жавоб бериш.
III	Амалий-лаборатория машғулотлари топшириқларининг берилиши.	Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос топшириклар беришни таъминлаш.	Назорат қилиш	Таълим олувчилар ўзлаштириш даражаларига мос равиша топшириклар олади.

Ўқув жараёнини компьютерлаштириш, масофали ўқитишнинг асосий воситаларидан бири бўлган ўқув-услубий таъминотни яратиш ва уларни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича барча иқтисодий ривожланган мамлакатлар каби республикамизда ҳам турли йўналишдаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. - Т.: Фан, 2009. - 146 б.
2. Андреев А.А. Дидактические основы дистанционного обучения в высших учебных заведениях: Автореф. дисс... д-ра пед. наук. – МЭСИ, 2004. – 24 с.
3. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш концепцияси.- Тошкент: Шарқ, 2002. - 20 б.
4. Тоштемиров Д.Э. Таълим порталининг таркибий тузилиши ва услугубий таъминоти. // Касб-хунар таълими, 2010. № 2. -. Б. 10-11.

#### Аннотация

**БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАР УЧУН МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАСОФАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЎРНИ**

С.И.Қулмаматов, Т.И.Исломкулов, Э.А.Мўминов

Мақолада бўлажак мутахассислар учун мустақил таълимни ташкил этишда масофали ўқитишнинг ўрни, масофали ўқитиш технологияларининг тузилиши, мазмуни ва уни яратиш масалалари ёритилган.

**Таянч сўзлар:** мустақил таълим, замонавий ахборот технологиялари, масофали ўқитиш, таълим портали, электрон ўқув-услубий воситалар.

#### Аннотация

**РОЛЬ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ В ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ**

С.И.Кулмаматов, Т.И.Исломкулов, Э.А.Муминов

В данной статье обсуждается роль дистанционного обучения в организации самостоятельного обучения будущих специалистов, структура, содержание и создание технологий дистанционного обучения.

**Ключевые слова:** самостоятельное обучение, современные информационные технологии, дистанционное обучение, образовательный портал, инструменты электронного обучения.

#### Summary

**THE ROLE OF DISTANCE LEARNING IN THE ORGANIZATION OF SELF-TRAINING OF FUTURE SPECIALISTS**

S.I.Kulmamatov, T.I.Islomkulov, E.A.Muminov

This article discusses the role of distance learning in the organization of independent learning for future professionals, the structure, content and creation of distance learning technologies.

**Key words:** independent learning, modern information technology, distance learning, educational portal, e-learning tools.